Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Бошқарув институтида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси аппарат ходимлари ҳамда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокидаги ўқув семинари бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчиларида замон талаблари даражасида раҳбарлик фаолиятини олиб бориш, бу борада халқаро тажрибалар билан танишиш ва амалиётга татбиқ этиш тўғрисида сўз юритилган ўқув машғулотлари, тренинглар, давра суҳбатлари катта таассурот қолдирди.

**Суратларда: ўқув семинардан лавҳалар.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**







## Саволингизга Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси етакчи мутахассиси Ў.АДИЛОВ жавоб беради

**САВОЛ: узоқ йиллар ширкат хўжалигида ҳосилот бўлиб ишлаганман. Захарли кимёвий моддалар билан ишлаш натижасида соғлиғим ёмонлашиб II гуруҳ ногиронлигига чиққанман. Шу асосда нафақа тайинланган. Касб касаллиги ногирони бўлганим учун ўзим ишлаган Шовот тумани «Гулистон» ширкат хўжалиги менга товон пули ҳамда ўртача иш ҳақидан 80 фоиз ҳисобида (врачлар хулосаси асосида) нафақа тайинлаши керак экан. 1986 йил март ойида ҳосилот вазифасидан касаллигим сабабли бошқа ишга ўтганман. 1992-93 йилларда яна шу «Гулистон» ширкат хўжалигида ҳосилот бўлиб ишладим. Ҳозирги кунда менга 9816 сўм нафақа тайинланди. Шу тўғрими?**

**Р.Матқурбонов, Шовот тумани.**

**ЖАВОБ:** ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари» билан тартибга солинади.

*Ҳуқуқий маслаҳатхона*

Касб касаллигига чалинганда меҳнатга лаёқатсизлик даражаси Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.

Зарарни ундириш тўғрисидаги ариза олинган меҳнат жароҳати (касб касаллиги) туфайли кўрилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи (корхона маъмурият)га берилади.

Иш берувчи зарарни ундириш тўғрисидаги аризани ўн кун муддатда кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Қарор корхона маъмуриятининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади.

Иш берувчининг зарарни тўлаш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси ёки асосланган ёзма равишда рад жавоби манфаатдор фуқаролар (ариза муаллифлари)га барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза топширилган кундан бошлаб, ўн кун муддат ичида топширилади.

Белгиланган муддатда аризани кўриб чиқмаслик ёки буйруқ нусхасини топширмаслик зарарни тўлашни рад этиш ҳисобланади.

Кўрилган зарарни тўлаш миқдори жабрланувчининг меҳнат жароҳати олгунига қадар оладиган иш ҳақига нисбатан фоизларда, уларнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб белгиланади.

Ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик ёхуд меҳнатга лаёқати даражаси пасайишидан олдинги 12 ой мобайнидаги иш якуни бўйича аниқланади. Касб касаллигига чалинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги 12 ой бўйича белгиланиши мумкин.

Зарарни қоплаш учун тўланадиган маблағ миқдори турмуш даражасининг ошиб бориши муносабати билан индексация қилинади, яъни энг кам иш ҳақи марказлаштирилган тартибда оширилганда, зарарни қоплашнинг барча миқдорларига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентабрдаги 407-қарори билан тасдиқланган зарарни тўлаш миқдорини кўпайтириш учун иш ҳақини оширадиган тузатиш коэффицентларига асосан зарарни тўлаш миқдори ҳисобланади.

*Бор бўл, меҳру оқибат!*

***Ангорлик Исохон Баҳромов юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Сурхондарёда биринчилардан бўлиб «Саидносирхон» фермер хўжалигини ташкил этди. Ўшанда энди-энди йўлга чиқаётган тадбиркорликнинг эртасини фаҳмламаган баъзи бировлар «Исохон фермер бўлибди. Нима эмиш, давлатга ғалла, пахта етиштириб берармиш» қабилида киноя гаплар ҳам қилишди. Лекин бундай аччиқ-тизиқ гап-сўзларга фермер эътибор ҳам бермади. Ўзида эртанги кунга ишонч ҳиссини туйди. Озод ва обод Ватан тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилди. Натижада ҳар йили белгиланган режа ошириб бажарилаверди.***

# ҚЎЛИ ОЧИҚ ФЕРМЕР

Бугун фермер хўжалиги 132 гектар ернинг 50 гектарида ғалла парвариш қилмоқда. Кўм-кўк майсазорларнинг ҳиди димоққа урилади. Унинг бир тутамини маҳкам ушлаб олган фермер севиниб дейди:

– Бу кўм-кўк майса эрта бир кун дастурхонимиз кўрки, қадримизни баланд тутувчи нонимизга айланади. Ҳозир парваришга муҳтож. Айни пайтда иккинчи бор озуқалантиришни бошладик. Заҳматларинг мевасини кўрсанг, меҳнатингдан завқ олсанг, чарчоғинг чиқади.

Дарвоқе, ўтган йили ҳосилдорлик чакки бўлмади. 92 гектар пахта майдонидан 40 центнердан, 40 гектар ғалла майдонидан эса 60 центнердан ҳосил олинди. Натижада 13 миллион сўм соф фойда олинди. 62 нафар фермер хўжалиги ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи эса қарийб 35 минг сўмни ташкил этди. Йил давомида ҳар бир ишчига 370 минг сўм иш ҳақи берилди. Шу билан бирга 500 килограммдан бепул буғдой, 1 тоннадан ғалла ҳамда 200 килограммдан ўсимлик ёғи тарқатилди. Ютуқларда, айниқса Хушназар Норқувватов, Зокир Турсоатов, Роҳила Норқўчқорова, Ҳафиза Қорақуловаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

– Исохон қўли очиқ фермер. Фермер хўжалиги ҳисобидан «Гулистон» маҳалласидаги 14 нафар ногиронга 5 килограммдан ўсимлик ёғи, 25 нафар уруш қатнашчилари ҳамда 10 та кам даромадли оилага 50 килограммдан буғдой берди. Бундай ғамхўрликдан Э.Раҳмонов, С.Ўзбеков, И.Абдулҳакимов сингариларнинг боши кўкка етди, – дейди туман агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулла Холбўтаев.

– Мен директорлик қилаётган 9-ўрта мактабга ҳам ушбу фермер хўжалигининг ёрдами катта бўляпти. Фермер бобо мактабимизда «Алифбе» байрамини ўтказиб берди. 30 нафар ўқувчиларимизга совға-саломлар улашди. Кам таъминланган 5 нафар болага эса кийим-бош, ўқув қуроллари, дарслик китоблари туҳфа этди, – дея ўз миннатдорчилигини билдиради Ҳотам Ўзбеков.

Барча шароитларга эга хўжалик дала шийпони деҳқонларнинг иккинчи уйига айланган. Деҳқонлар бўш вақтларида бу ерда радио эшитиб, телевизор кўриб ва шоҳмот ёки шашка ўйнаб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Айтганча, эл олқиши, дуосини олаётган фермернинг ниятлари улкан. Чунончи, фермер хўжалигига ишга киришни хоҳловчилар сони кун сайин кўпайиб бораётгани боис қўшимча иш ўринларини очиш мақсадида «Гулистон» маҳалласида ҳудудий маиший хизмат нуқталари ҳамда бичиш-тикиш цехлари ташкил этишни режалаштирган.

**Р.ПОЛВОНОВ.**

## ОИЛАВИЙ ТИЖОРАТ

***Бухоро вилояти "Тадбиркор оила" уюшмаси "Энг яхши уюшма" йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Темурийлар тарихи давлат музейида ўтказилган "Энг яхши шерик. 2002 йил лойиҳаси" танловининг якунловчи босқичида бу ҳақда маълум қилинди. Уни АҚШ халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID) ва "Прагма" корпорацияси уюштирди.***

Уюшма раиси Дилором Нарзуллаевага эсдалик нишони, шунингдек "Прагма" корпорациясининг компьютери топширилди.

- Меҳнатимизнинг шунчалик юқори баҳоланганлигини оқлашга ҳаракат қиламиз, - деди Д. Нарзуллаева "Туркистон-пресс"мухбирига. - Ҳозирда ташкилотимизнинг республика мақомини олишига ҳаракат қиляпмиз. Ўшанда оилавий тижорат бўйича тўплаган тажрибаларимизни бошқа вилоятларга ҳам татбиқ этиш осон бўлади. Шуниси қувончлики, мамлакатимизда оилавий тадбиркорликка катта аҳамият берилмоқда. Ўйлайманки, оилавий тижорат оммалашади ва бозор муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**"Туркистон-пресс"**

## Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ: қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходимлар иш давомида тиббий кўрикдан ўтиши белгиланганми? Тиббий кўрикдан ўтишдаги ҳаражатлар ходим томонидан қопланадими?**

**О.ХОШИМОВ, Жиззах вилояти.**

**ЖАВОБ:** қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходимларни вақти-вақти билан иш давомида тиббий кўрикдан ўтиши мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Меҳнат Кодексида тиббий кўрикдан ўтишга доир алоҳида 214-модда киритилган. Унда иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши зарур бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июнидаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймасликдир.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни иш берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтишда ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ходим тиббий кўрикдан ўтишда қандай турдаги поликлиника хизматидан фойдалинишидан қатъий назар чиқимдор бўлиши мумкин эмас.

Шундай экан ходимлар тиббий кўрикдан ўтишда ҳақ тўлайдиган бўлса, бу ноқонуний ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган Рўйхат бўйича ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишда Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талаблари тўлиқ бажарилиши доимо назорат қилиб боришлари, агар бу модданинг талаблари бузилган тақдирда, бундай қонунбузарчиликка чек қўйиш мақсадида прокуратура органларига мурожаат қилишлари зарур.

## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

**САВОЛ: Ўзбекистондан бориб Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги пединститутнинг 1-курсида ўқиётган талабани Ўзбекистондаги университетга ёки пединститутга кўчириб келиш мумкинми, қай тарзда?**

**С.ҚОСИМОВ, Наманган вилояти.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 1999 йил 24 июл 3-сон билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 август 793-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабалари (ўқувчилари) ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомнинг 7-бандига мувофиқ қуйидаги ҳолларда талабалар (ўқувчилар) ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоравий тасарруфликдан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш идоралараро комиссияси қарори билан амалга оширилади:

- талабалар (ўқувчилар) ўқишини бошқа давлатлар таълим муассасаларидан республика таълим муассасаларига кўчириш ёки қайта тиклаш;
- бир таълим муассасаси доирасида талаба (ўқувчи) ўқишини турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ёки қайта тиклаш;
- талаба (ўқувчи) ўқишини идоравий тасарруфликдан қатъий назар бир таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига мувофиқ, турдош ва турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ва қайта тиклаш.

# АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Яккабоғ туманида бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

- Яккабоғ туман ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамда маҳаллалар ҳамкорлигида мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказиб келинмоқда, - деди туман меҳнат бўлимининг бошлиғи Бойназар Довиров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Биргина ўтган йилда туманда уч марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 576 нафар ишсизлар турли касблар бўйича ишга жойлаштирилди. Бу билан аҳолини ишга бўлган талаби анча қондирилди. Ўттиз тўққиз нафар ёш йигит-қизлар эса ҳунармандларга шогирд тушди. Шунингдек, ёшлар меҳнат бўлими томонидан ташкил этилган уч ойлик касб ўрганиш курсларида таҳсил олиб, иш билан таъминландилар.

Б. Довировнинг таъкидлашича, бугунги ярмаркага тумандаги барча ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, элликдан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўз иш ўринлари билан иштирок этди. Шунингдек, тумандаги ҳунармандлар ўз касб сирларини ўргатиш учун ёшларни уч ойлик ўқишга таклиф қилишди. Айниқса, "Техчорвасервес" очиқ ҳиссадорлик жамияти, Яккабоғ тўқимачилик фабрикаси, 230-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамламаси каби қатор ташкилотлар ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринларини кўпроқ тақдим этишди.

- Мақсадимиз аҳолини ишсиз қатламини иш билан таъминлаш ва имкон қадар ўз иш ўринларига эга бўлишларига кўмаклашишдан иборат, - деди Б.Довиров.

# БЕМАЛОЛ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ

## газ ўлчагич ўрнатинг

Бу бўлган гап. Бир ошнамиз газ тўловларидан нолиб қолди. Гапига қараганда, ойига фалон пул тўлармиш. Даврадаги бошқа бир дўстимиз унга эътироз билдирди:

- Нима қиласиз, бошингизни оғритиб, газ ўлчагич ўрнатинг-қўйинг.

- Баттар бўласан, демоқчисизда-а?! - ранжиди ошнамиз.

- Бекорга хафа бўляпсиз. Илгари мен ҳам сизга ўхшаб ўйлардим. Бир киши «Газ ўлчагич қўйдиринг» деб маслаҳат бериб қолди. Тўғри айтган экан. Энди «райгаз»дан келган назоратчи билан пачакилашиб ўтирмайман, унинг кўнглини ҳам олишга ҳаракат қилмайман. Газ ўлчагич ҳаммасини аниқ кўрсатиб турибди. Фойдаланган газ учун пул тўлайман. Илгарилари ҳар ойда уч-тўрт минг сўм маблағ кетарди. Ҳозирда икки баравар кам. Хуллас, газчилар олдида тилим бир газ.

Даврадагилар ўзимиз истамаган ҳолда шу ҳақда тортишиб кетдик. Биров у деди, биров бу. Аммо барибир кўпчилик газ ўлчагич афзал, деган тўхтамга келди.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг таъкидлашича, аҳолини табиий газ билан таъминлашда газ ўлчагичларининг ўрни катта. Агар вилоятдаги хонадонларнинг ҳаммасига ўлчагич ўрнатилса, аҳолини газ билан таъминлаш борасидаги ишлар икки-уч ҳиссага ортиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, газ сарфидаги тўловлар ҳам аниқ амалга оширилади. Ҳар ким эҳтиёжи ва имкониятига яраша газдан фойдаланади. Қарздорликлар барҳам топади.

«Фарғонагазтаъминот» шўъба корхонасидан олинган маълумотларга кўра, аҳолининг фойдаланилган табиий газдан муддати ўтган қарздорлиги бир миллиард 300 минг сўмни ташкил этар экан. Вилоятда умумий уй-жой фондининг атиги 26 фоизига газ ўлчагич ўрнатилганини ҳисобга олсак, бу рақамлар миқдори янада ортишини тасаввур қилиш қийин бўлмайди.

Ўтган йил таҳлилларига назар ташлаймиз: газ ўлчагич ўрнатиш борасида белгиланган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. 101 минг 900 та газ ўлчагич ўрнига 97 минг 830 дона ўрнатилган. Бу эса аксарият ҳолларда табиий газдан оқилона фойдаланмаслик, исрофгарчиликларга йўл очиб бермоқда. Оқибатда вилоятнинг айрим қишлоқларига табиий газ умуман етиб бормаяпти. Газ таъминоти нисбатан яхши ҳудудларда эса ундан самарасиз фойдаланиш ҳоллари кўп кузатилмоқда. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, битта газ ўчоғи бемақсад ёниб туриши натижасида бир кунда бир миллион куб газ исроф бўлар экан.

- Ўтган йилги хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олдик, - дейди «Фарғонагазтаъминот» шўъба корхонаси директори Абдуҳамид Азимов. - Бу йил 162 минг 800 та газ ўлчагич ўрнатишни режалаштирганмиз. Бу, ялпи уй-жой фондининг ўттиз фоизини ташкил этишини инобатга олсак, газ таъминотидаги айрим ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш, табиий газдан оқилона фойдаланиш имкониятини беради. Эндиликда ҳар куни минг донага яқин газ ўлчагич ўрнатилмоқда. Бу аҳолининг табиий газ таъминоти билан боғлиқ бўлган муаммоларини ечишга амалий ёрдам бериб, табиий газ исрофгарчилиги билан боғлиқ бўлган ҳолатларни икки-уч ҳисса камайтиради.

Вилоятда табиий газ етиб бормаган аҳоли яшаш жойларини суюлтирилган газ билан таъминлашда ҳам талай муаммолар мавжуд. Бу борадаги ишлар белгиланган тартибда йўлга қўйилиб, етти минг тонна суюлтирилган газ фонди ажратиб берилса, табиий газ бормаган 69 минг хонадонга газ етказиб бериш имконияти туғилар экан.

**Р.КАМОЛОВ**
**ЎзА мухбири.**

## ДАВР ВА АДВОКАТУРА

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар босқичма босқич амалга оширилмоқда. Соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилмоқда. Хусусан, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқаролар шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш юзасидан талай ишлар қилинаётир.

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган мамлакатимизда адвокатурани ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Тадбир қатнашчилари адвокатурани ислоҳ қилиш муаммолари, адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, мақомини янада ошириш хусусида фикр алмашди.

## ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР - ЖУДА ҚУЛАЙДИР

Ўзбекистон банклари уюшмасида мамлакатимизда биринчи халқаро «American Express» пластик карточкаларининг чиқарилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳанинг ташаббускори «Бизнес-банк» бўлиб, у шунингдек республика бозоридаги ягона расмий дистрибьютор ҳамдир.

Тадбирда пластик карточкаларнинг тўрт хил тури намойиш этилди, булар - персонал, корпоратив, олтин ва платина карточкалардир. Улардан нақд пул маблағларини олиш ва бутун дунё бўйлаб 6 миллиондан ортиқ ташкилотларда товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиш мумкин.

